

## ЖИНОЯТ НАТИЖАСИДА ЕТКАЗИЛГАН ЗАРАРНИ ҚОПЛАШНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

**Абдуфаттохов Фурқатбек Хусанбой ўғли**

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
мустақил тадқиқотчи.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20774046>

**Аннотация:** Ушбу мақолада жиноят натижасида етказилган зарарни фуқаролик-ҳуқуқий воситалар орқали қоплашнинг назарий ва амалий масалалари таҳлил қилинган. Муаллиф жиноят процессида фуқаровий даъво қўзғатиш механизми, моддий ва маънавий зарарни ундиришнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда бу борадаги қонунчиликдаги бўшлиқларни кўриб чиқади. Тадқиқот давомида суд амалиёти ўрганилиб, жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини янада самарали ҳимоя қилиш ҳамда фуқаролик қонунчилиги нормаларини такомиллаштириш бўйича илмий-амалий таклиф ва тавсиялар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** жиноят, моддий зарар, маънавий зарар, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик, фуқаровий даъво, жабрланувчи, зарарни қоплаш, деликт мажбурият, суд амалиёти.

**Гражданско-правовые аспекты возмещения ущерба, причиненного преступлением**

**Аннотация:** В данной статье анализируются теоретические и практические вопросы возмещения вреда, причиненного преступлением, гражданско-правовыми средствами. Автор рассматривает механизм предъявления гражданского иска в уголовном процессе, особенности взыскания материального ущерба и компенсации морального вреда, а также пробелы в законодательстве в этой сфере. В ходе исследования изучена судебная практика, выдвинуты научно-практические предложения и рекомендации по более эффективной защите прав и законных интересов потерпевших, а также совершенствованию норм гражданского законодательства.

**Ключевые слова:** преступление, материальный ущерб, моральный вред, гражданско-правовая ответственность, гражданский иск, потерпевший, возмещение вреда, деликтное обязательство, судебная практика.

**Civil law aspects of compensation for damage caused by a crime**

**Abstract:** This article analyzes the theoretical and practical issues of compensation for damage caused by crime through civil law remedies. The author

examines the mechanism of filing a civil claim in criminal proceedings, the specifics of recovering material damage and moral harm, as well as gaps in legislation in this area. In the course of the study, judicial practice is examined, and scientific-practical proposals and recommendations are put forward aimed at more effective protection of the rights and legitimate interests of victims, as well as improving the norms of civil legislation.

**Keywords:** crime, material damage, moral harm, civil liability, civil claim, victim, compensation for damage, tort liability, judicial practice.

Ҳозирги замонда энг долзарб институтлардан бири – бу жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш институти ҳисобланади. Бугунги кунда жиноятчилик динамикасини акс эттирувчи статистика қувонарли кўринишга эга эмас, шу боисдан, соғлиққа етказилган зарарни қоплаш масаласи ҳамон долзарблигича қолмоқда. Ҳар йили тахминан кўплаб кишилар жиноят қурбонига айланиши мумкин.

Шундан келиб чиқиб, қонун чиқарувчилар жабрланувчиларнинг ҳуқуқларига, фуқаролик даъвосига ва уни таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратмоқдалар, бу эса жиноят-процессуал қонунига киритилаётган доимий ўзгаришлардан ҳам яққол кўриниб турибди. Демак, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ масалалар долзарб ҳисобланади. Бироқ ушбу соҳани таҳлил қилганда, унинг ҳам бир қатор муаммолардан холи эмаслиги кўринади.

Амалдаги устувор тажрибага кўра, зарар фақат жиноят очилган тақдирдагина қопланиши мумкин. Шу билан бирга, ҳар йили жиноятларни фош этиш кўрсаткичи ўртача атрофида бўлиб келмоқда. Бу эса шуни англатадики, қолган жиноят қурбонлари ўзларига етказилган мулкий зарарни қоплатиб олиш имкониятига эга эмас. Жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш – ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади, чунки улар жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш вазифасини бажарадилар. Аммо унинг муҳим аҳамиятига қарамасдан, ҳанузгача тадқиқотчилар орасида “жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш” тушунчасига доир ягона фикр мавжуд эмас.

Жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ жиноят-процессуал фаолиятнинг асосий белгиларини ягона тушунишнинг йўқлиги, мазкур ҳуқуқий институтнинг кўп қиррали эканлигини кўрсатади. Шу билан бирга, бу соҳада ягона ёндашувнинг мавжуд эмаслиги нафақат махсус адабиётларда, балки ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳам акс

этмоқда. Шу сабабли, мазкур турли қарашлар қонун ижросини таъминлашни қийинлаштиради.

Ҳар қандай, жумладан, жиноят-процессуал фаолиятнинг ҳам асосий белгилари ўзаро боғлиқ бўлган учта элементни қамраб олиши керак: субъект, мақсад ва ҳуқуқий воситалар. Ана шу ёндашувдан келиб чиқиб, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш институтининг тушунчаси ва моҳиятини аниқлашга уринамиз<sup>1</sup>.

Амалдаги тажриба шуни кўрсатадики, жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш бўйича қонунчилик рухсат берган чораларни амалга оширишда асосий рол жиноят-процессуал органлар мансабдор шахсларига юкланган.

Жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш, айрим ҳуқуқшунослар ўйлаганидек, махсус зарарни қоплаш институти эмас (масалан, юқори хавф манбаи ёки хизмат мажбуриятларини бажариш чоғида етказилган зарарни қоплаш институтлари каби). Бу ерда Фуқаролик кодексининг 985-моддасида назарда тутилган умумий қоидалар қўлланилади. Жумладан: “фақат ҳақиқий етказилган зарар қопланади”, “айбдорнинг айби мавжуд бўлиши”, “тўлиқ қоплаш миқдори”, “сабабий боғланиш мавжудлиги” ва ҳ.к.

Айнан шунинг учун жиноят иши доирасида фуқаролик даъвоғари, махсус зарарни қоплаш институти мавжуд бўлган тақдирда ҳам, танлаш ҳуқуқига эга: зарарни кимдан қоплатишни ўзи ҳал қилади. Масалан, у зарарни тўғридан-тўғри жиноятчидан ёки юқори хавф манбаи эгасидан (агар жиноятчи ана шу манбани ишлатиб зарар етказган бўлса) талаб қилиши мумкин. Ёки: жиноятчидан ёки у зарар етказган вақтда хизмат мажбуриятларини бажараётган ташкилотдан талаб қилиши мумкин.

Фуқаролик кодексининг 1003-моддасига мувофиқ, зарарни қоплаш тўғрисидаги талабни қаноатлантирар экан, суд ишнинг ҳолатларидан келиб чиқиб, зарар етказиш учун жавобгар бўлган шахсни зарарни натура шаклида қоплашга (худди шундай тур ва сифатга эга бўлган ашёни бериш, зарарланган нарсани таъмирлаш ва ҳ.к.) ёки етказилган зарарни моддий йўқотишлар (ФКнинг 14-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ) орқали қоплашга мажбур қилади.

Амалда эса жиноят ишлари бўйича зарарни натура шаклида қоплаш усули жуда кам қўлланилади. У, одатда, ўғирланган ашёларнинг бир қисмини қайтариш шаклида (баъзан уларнинг ҳақиқий қийматига

---

<sup>1</sup> Ендольцева А.В. Добровольное возмещение подозреваемым, обвиняемым причиненного преступлением вреда как одно из средств восстановления нарушенных прав потерпевшего // Вестник экономической безопасности. 2016. № 5. С. 36-39.

нисбатан сезиларли арзон нарх билан), зарарланган мол-мулкни тиклаш таъмири кўринишида ва шу каби ҳолатларда намоён бўлади. Аксарият ҳолларда эса сўз зарарни моддий йўқотишлар орқали қоплаш ҳақида боради. Бу ўғирланган, шикастланган ёки йўқ қилинган мол-мулк қийматини ундириш, маънавий зарар учун пулли компенсация тўлаш каби ҳолатлар бўлиши мумкин. Шу ўринда жиноят натижасида етказилган зарарнинг аниқ миқдорини белгилаш уни тўлиқ қоплаш мақсадида жуда муҳим аҳамиятга эга.

Фуқаролик-ҳуқуқий низолар энг мураккабларидан бири бўлиб, судьялардан моддий ҳуқуқ нормаларини чуқур билишни талаб қилади. Баъзи ҳолларда жиноят ишларини биринчи инстанцияда кўриб чиқишга ихтисослашган жиноят ишлари бўйича судья доимо ҳам муайян мол-мулкнинг ҳақиқий эгаси кимлигини, кимга реал зарар етказилганини аниқлаб олиши осон бўлмайди. Шунингдек, қопланиши лозим бўлган зарар суммасини белгилашда ҳам жиддий қийинчиликлар пайдо бўлади. Айниқса, бу ҳолат хўжалик субъектлари томонидан тузилган битимларга оид низоларда яққол намоён бўлади.

Шунингдек, жиноий тажовуз предмети бўлган мол-мулк қиймати доимий равишда ўсиб бораётганига ҳам эътибор қаратиш лозим. Шу билан бирга, ҳар доим ҳам қайси турдаги қиймат (кадастр қиймати, бозор қиймати, баланс қиймати)ни қўллаш кераклигини дарҳол аниқлаш осон эмас.

Албатта, юқорида қайд этилган барча ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан қўшимча саъй-ҳаракатларни, чуқур билимларни ва юқори касбий маҳоратни талаб этади. Чунки қонун жабрланувчига унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш имкониятини кафолатлайди ва жиноят ишини кўриб чиқиш жараёнида унга етказилган ҳам моддий, ҳам маънавий зарарнинг қопланишини таъминлаб беришни назарда тутаяди.

Жиноят натижасида етказилган зарарни қоплашга оид муносабатларнинг тарихий-ҳуқуқий таҳлили шуни кўрсатадики, ушбу муносабатлар субъектив-объектив табиатга эга бўлган муносабатлар турига киради. Улар жамиятдаги ижтимоий бошқарув тизимига таянади ва иқтисодий, муҳофазавий (ҳимоявий), тарбиявий, олдини олиш (превентив) ҳамда компенсациявий каби турли вазифаларни бажаради. Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида ушбу муносабатларни ҳуқуқий

тартибга солишдан кўзланган асосий мақсад – шахсий манфаатлар соҳасида ижтимоий адолатни тиклашдан иборатдир<sup>2</sup>.

Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг шарти муайян жиноятнинг белгиси сифатида намоён бўлади ва у ҳуқуқбузарликнинг (жиноятнинг) субъектив томони орқали ифодаланади. Унинг асосий жиҳати зарар етказувчининг айби ҳисобланади. Шунингдек, деликт мажбуриятлари субъектлари сифатида тўғридан-тўғри зарар етказган шахслар ёки қонун асосида уларнинг ҳаракатлари учун жавобгар бўлган шахслар майдонга чиқади<sup>3</sup>. Фуқаролик кодексининг 333-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, мажбуриятни бажармаган ёки уни тегишли тарзда бажармаган шахс айби (қасд ёки эҳтиётсизлик) мавжуд бўлган тақдирда жавобгарликка тортилади, агар қонун ёки шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса. Демак, фуқаролик ҳуқуқида жавобгарлик, умумий қоидага кўра, айб асосида қурилади.

Айб шахснинг ўзининг ҳуқуққа зид хатти-ҳаракатларига нисбатан онгий муносабати бўлиб, унда жамият ёки алоҳида шахслар манфаатларига бепарволик ифода этилади<sup>4</sup>. Фуқаролик ҳуқуқи ва жиноят ҳуқуқида айб шакллари фарқ қилади. Қасд ва эҳтиётсизлик ҳар икки соҳада ҳам мавжуд, аммо уларнинг амалий аҳамияти турлича. Чунки фуқаролик ҳуқуқида умумий қоида сифатида тўлиқ қоплаш принципи амал қилади. Қасд фуқаролик ҳуқуқида нисбатан кам ҳолларда учрайди. О.А. Иоффе қасдни “зарар етказиш нияти” сифатида таърифлаган. Эҳтиётсизликда ният йўқ, аммо зарур даражадаги диққат ва эҳтиёткорлик мавжуд эмас. Кўпол эҳтиётсизликда ҳар қандай диққат ва эҳтиёткорлик умуман йўқ, оддий эҳтиётсизликда эса улар мавжуд, лекин ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш учун етарли даражада эмас<sup>5</sup>.

Тадқиқот доирасида биз учун жиноят ҳуқуқи назарияси ва жиноят қонунчилигини қўллаш амалиётида шаклланган айб тушунчаси ва унинг шакллари ҳақидаги қарашлар муҳимдир. Чунки жиноят иши доирасидаги фуқаролик даъвоси фақат ҳукм чиқариш билан бир вақтнинг ўзида моҳиятан ҳал қилиниши мумкин. Фуқаролик даъвосининг тақдири жиноят ишида тўғридан-тўғри суднинг айбланувчининг айбдорлигини қандай ҳал

<sup>2</sup> Козацкая В.Э. Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный преступлениями: взгляд на проблему // Гражданское право. 2010. – № 4. – С. 41 - 44.

<sup>3</sup> Блинкова Е.В., Козацкая В.Э. Общая характеристика гражданско-правовой ответственности за вред, причиненный преступлением // Российская юстиция. 2011. – № 4. – С. 10 - 14 / <http://www.centerbereg.ru/b6289.html>.

<sup>4</sup> Сергеев А. П., Толстой Ю. К. Гражданское право. - М.: Проспект, 2008. - 576 с.

<sup>5</sup> Вина в уголовном и гражданском праве: понятие и формы / <http://lawstudents.net/modules.php?name=Content&pa=showpage&pid=394>.

қилишидан келиб чиқади. Агар айблов исботланмаса, ҳар қандай ҳолда фуқаролик даъвосини қаноатлантириш рад этилади. Шу сабабли фуқаролик даъвогари ҳар доим суд жараёни натижасида айбланувчининг жиноят содир этганлиги ва шу билан мулкӣ зарар етказганлиги аниқланишига манфаатдор бўлади<sup>6</sup>.

Жиноят ҳуқуқида тўғридан-тўғри қасд нафақат оқибатларни иташ, балки уларни олдиндан кўра билишнинг ақлий унсури билан ҳам изоҳланади. Олдиндан кўриш икки жиҳатда намоён бўлади: оқибатларнинг муқаррарлиги ёки уларнинг эҳтимоллиги. Бундай тақсимот айбнинг субъектив характериға ишора қилади. Билвосита қасдда эса шахс оқибатларнинг келиб чиқишини истамайди. Бироқ у бу оқибатларни йўл қўяди ёки уларға бепарво муносабатда бўлади.

Фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарлик субъектлари ва уларнинг жиноят орқали етказилган зарар учун айбдорлиги қуйидаги туркумда таснифланиши мумкин. Бу тасниф ФКда ўз ифодасини топган<sup>7</sup>:

1) Шахсийлаштирилган жавобгарлик. Ушбу таснифнинг асосида тўғридан-тўғри зарар етказувчининг айби ётади. Анъанавий ёндашувға кўра, шахс вояға етиш ёшиға етганидан кейин у содир этган хатти-ҳаракатлари учун фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарликка тортилади. Қоида тариқасида, 14 ёшға тўлган шахсларни умумий асосларда етказилган зарар учун мустақил равишда жавобгарликка тортиш мумкин. Агар 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояға етмаган шахснинг зарарни қоплаш учун етарли маблағи (даромади) ёки бошқа мол-мулки бўлмаса, зарарни қоплаш тўлиқ ёки етишмайдиган қисми унинг ота-онаси (асраб олувчилари) ёки васийлари зиммасиға юкланиши мумкин. Фақат улар зарар ўз айби сабабли келиб чиқмаганлигини исботлаб берсалар, жавобгарликдан озод этилади.

2) Айбсиз ҳолда жиноят туфайли етказилган зарарни қоплаш. Бу турдаги жавобгарлик шартли равишда “оширилган жавобгарлик” сифатида тавсифланади. Унга ота-оналар, фарзандликка олувчилар, васийлар, ҳомийлар ва бошқалар ФКнинг 993–997-моддалари асосида киради. Ушбу субъектларға ФКнинг 1001-моддасиға кўра, зарар етказган шахсға нисбатан регресс талаб қилиш ҳуқуқи берилмаган. Бундай оширилган жавобгарлик ҳолатларига 14 ёшгача бўлган ва 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган нобалоғат шахслар томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик, ота-

<sup>6</sup> Сёмин А. В. Особенности доказывания при рассмотрении гражданского иска в уголовном процессе / <http://pravo.news/ugolovnoe-sudoproizvodstvovorossii/osobennosti-dokazyivaniya-pri-rassmotrenii-21072.html>.

<sup>7</sup> Блинкова Е.В., Козацкая В.Э. Общая характеристика гражданской ответственности за вред, причиненный преступлением // Российская юстиция. 2011. N 4. С. 10 – 14 / <http://www.cenrberreg.ru/b6289.html>.

оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ота-оналарнинг жавобгарлиги, шунингдек, ақли норасо деб топилган шахс томонидан етказилган зарар учун жавобгарлик киради.

3) Айбли зарарни қоплаш истиснолар билан. Бу тасниф доирасида қонун асосида зарар етказувчининг ҳаракатлари учун жавобгар ҳисобланган субъектларнинг субсидиар жавобгарлиги мавжуд бўлиб, улар ўртасида регресс муносабатларининг амалга ошиши назарда тутилади.

Тадқиқот доирасида ушбу таснифнинг охирига турига оид фуқаролик ҳуқуқи назариясидаги икки нуқтаи назарга тўхталиб ўтамиз. Биринчи нуқтаи назарга кўра, ҳокимият ваколатлари берилган мансабдор шахслар ҳамда фуқаролик ҳуқуқи субъектлари сифатидаги оммавий-ҳуқуқий тузилмаларнинг жавобгарлиги давлат зиммасига юкланади (ФКнинг 990 ва 991-моддалари). Яъни, зарар давлат хазинасидан қопланади. ФКнинг 1001-моддасига мувофиқ эса давлат органлари ўз айби сабабли зарар келтирган шахсга нисбатан регресс талабини қўйиш ҳуқуқига эга бўлади.

Иккинчи позицияга кўра, ўзининг ишончсиз ва тўловга қобилиятсиз фуқаролари учун жавобгарлик давлат зиммасига юкланади. Бу, уларнинг шахси аниқланган ҳолларда ёки улар жиноятлар оқибатида жабрланувчиларнинг фуқаролик ҳуқуқларини оммавий равишда бузиш субъектларига айланган тақдирда амал қилади. Масалан, 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган 167-II-сон “Терроризмга қарши кураш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, давлат террорчилик актидан жабрланган шахсларга компенсация тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Шу билан бирга, маънавий зарар эса теракт содир этган шахслар томонидан қопланади, улар ҳам жиноий, ҳам фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка тортилади.

Жиноятдан етказилган зарарни қоплашнинг самарасизлиги муаммоси асосида, юридик доктринадаги ишланмаларга, халқаро ҳужжатлар қоидаларига ҳамда хорижий мамлакатларнинг қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш тажрибасига таянадиган бўлсак, давлат ўзининг ишончсиз аъзолари (жиноятчилар) учун оширилган жавобгарликка эга эканлиги сабабли миллий қонунчиликда махсус фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик механизмини амалга ошириш имкониятини назарда тутиш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Ушбу механизмнинг ўзига хос жиҳати шундаки, жиноят туфайли етказилган зарар махсус фонд маблағлари ҳисобидан қопланиши керак

бўлади. Фонддан компенсация тўловлари эса субсидиар (қўшимча) тартибда амалга оширилади<sup>8</sup>.

Давлатнинг жинойтчилар учун субсидиар жавобгарлиги жабрланувчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тиклашга хизмат қилади. Бу эса, ўз навбатида, тўловга қобилиятсиз қарздор номидан зарарнинг тўлиқ қопланишини таъминлашга имкон беради. Бироқ бу тўловлар фонд ҳисобидан амалга оширилиб, қуйидаги принципларга асосланиши лозим: қайтаришлилик (тўлов кейинчалик айбдордан ундириб олиниши лозим); тўловлилик (фонд маблағларидан фойдаланиш белгиланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилиши); муддатлилик (тўловлар белгиланган вақтда амалга оширилиши); қарздор томонидан мажбуриятларни тўлиқ бажарилмаганлиги; қарздорнинг тўловга қобилиятсизлиги натижасида зарарни тўлиқ қоплаш принципи бузилганлиги; қарздор томонидан мажбуриятларни бажармаганлик факти исботланганлиги; икки марта тўловга йўл қўймаслик.

Шу тариқа, махсус компенсация фонди орқали давлатнинг субсидиар жавобгарлиги жабрланувчиларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда адолатни таъминлашга қаратилган самарали механизм сифатида хизмат қилади

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

- 1.Ендольцева А.В. Добровольное возмещение подозреваемым, обвиняемым причиненного преступлением вреда как одно из средств восстановления нарушенных прав потерпевшего // Вестник экономической безопасности. 2016. № 5. С. 36-39.
- 2.Козацкая В.Э. Гражданско-правовая ответственность за вред, причиненный преступлениями: взгляд на проблему // Гражданское право. 2010. – № 4. – С. 41 - 44.
- 3.Блинкова Е.В., Козацкая В.Э. Общая характеристика гражданскоправовой ответственности за вред, причиненный преступлением // Российская юстиция. 2011. – № 4. – С. 10 – 14 / <http://www.centerbereg.ru/b6289.html>.
- 4.Сергеев А. П., Толстой Ю. К. Гражданское право. - М.: Проспект, 2008. - 576 с.
- 5.Вина в уголовном и гражданском праве: понятие и формы / <http://lawstudents.net/modules.php?name=Content&pa=showpage&pid=394>.

---

<sup>8</sup> Щербинина И.В. Условия гражданско-правовой ответственности за вред, причиненный преступлением // <file:///C:/Users/99897/Downloads/ucloviya-grazhdansko-pravovoy-otvetstvennosti-za-vred-prichinenny-prestupleniem.pdf>

6.Сёмин А. В. Особенности доказывания при рассмотрении гражданского иска в уголовном процессе / <http://pravo.news/ugolovnoe-sudoproizvodstvorossii/osobennosti-dokazyivaniya-pri-rassmotrenii-21072.html>.

7.Блинкова Е.В., Козацкая В.Э. Общая характеристика гражданскоправовой ответственности за вред, причиненный преступлением // Российская юстиция. 2011. N 4. С. 10 – 14 / <http://www.centerbereg.ru/b6289.html>.

8. Щербинина И.В. Условия гражданско-правовой ответственности за вред, причиненный преступлением // <file:///C:/Users/99897/Downloads/ucloviya-grazhdansko-pravovoy-otvetstvennosti-za-vred-prichinennyu-prestupleniem.pdf>